


## “ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Tashkent Pharma Park” – инновацион  
илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика  
кластерини ривожлантириш  
дирекцияси директори



  
\_\_\_\_\_ С.С. Бабаджанов  
« 15 » \_\_\_\_\_ апрель 2024 й.

“Tashkent Pharma Park” – инновацион илмий-ишлаб чиқариш  
фармацевтика кластерини ривожлантириш дирекциясида мавжуд бўш  
(вакант) лавозим бўйича очик танлов

### ЭЪЛОНИ

Вакант лавозим номи:

Истикболли лойиҳалари билан ишлаш, бизнес-режаларни  
экспертизадан ўтказиш ва халқаро ҳамкорлик алоқаларни ўрнатиш  
бўлими бош мутахассиси - 1 ставка ( 1 вакант )

#### Лавозимнинг фаолият йўналиши ва вазифалари:

- Республикага хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида етакчи хорижий компанияларни аниқлаб, дипломатик каналлар орқали ҳамкорлик учун таклифлар, республикадаги фармацевтика соҳасининг инвестицион салоҳияти тўғрисида маълумотлар юбориш, шунингдек тақдимотлар ўтказиш;
- Ҳамкорлик учун қизиқиш билдирган хорижий компания вакиллари билан музокаралар олиб бориш, уларнинг ташрифи билан боғлиқ ишларда, ҳамкорлик меморандумлари ва келишувлари имзоланиши бўйича ташкилий ва амалий тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш;
- Хорижий фармацевтика компаниялари билан ҳамкорликни ташкил этишга кўмаклашиш ва хорижий инвестицияларни, шу жумладан, хорижий ва халқаро молия институтларининг маблағларини жалб қилиш бўйича ташкилий ва амалий тадбирларни амалга оширади;
- Маҳаллий фармацевтика кўргазмалари, форумлар, конференциялар, семинарларда етакчи хорижий компания вакилларининг, шунингдек хорижий мамлакатлардаги миллий кўргазмалар, форумлар, конференциялар ишида маҳаллий ташкилотлар вакилларининг иштирокини таъминлашда иштирок этади;



- Инвестицион лойиҳалар бўйича бизнес-режаларни экспертизадан ўтказиш.

### **Лавозим учун расмий талаблар:**

- Олий маълумотга эга бўлиши;
- Умумий иш фаолиятида мутахассислик бўйича камида 3 йил иш тажрибасига эга бўлиши;
- Давлат тилини ва хорижий тилларни билиш (IELTS, TOEFL каби сертификатларга эгаллик устунлик беради);
- Компьютер саводхонлигига эга бўлиши, касбий фаолият мақсадларида компьютер тармоқлари, интернет, электрон почта ва тармоқ технологиясидан мустақил фойдалана олиш;
- Масъулиятни ҳис қилиш, қатъиятлик, ташкилотчилик ва шахсий ташаббускорлик;
- Кундузги магистратура талабалари қабул қилинмайди.

### **Ҳужжатларни тақдим қилиш тартиби:**

Танловда иштирок этиш истаги бўлган номзодлар дастлаб, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги <https://uzpharmagency.uz/> ёки <https://pharmapark.uz/> веб-сайтида рўйхатдан ўтиши, вакант лавозимларнинг вазифалари ва уларга кўйилган расмий талаблар билан танишиб чиқиши, ўзига мақбул келадиган лавозим учун тегишли ҳужжатларни электрон тарзда тақдим қилиши талаб этилади.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган номзод қуйидаги ҳужжатларни топшириши лозим:

- шахсий варақаси (маълумотнома-объективка);
  - диплом (дипломдан кўчирманинг нусхаси, чет элда ўқиган бўлса, дипломи тан олиш ва нострификациядан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома);
  - фуқаролик паспорти ёки идентификация ID картаси нусхаси;
- Номзод бўш (вакант) лавозимларга танлов ўтказиш ҳақидаги эълонда кўрсатилган лавозимларнинг фақат биттасини танлаши ва танланган лавозим бўйича танловда иштирок этиш мумкин.

Танлов номзодларидан ҳужжатлар 2024 йил 15 апрелдан 2024 йил 24 апрелгача қабул қилинади.